



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 8 октябрь, жума № 141 (788)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТ УКРАИНАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

7 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Украинага жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунгача Украинага уч бор сафар қилган эди. Ўзбекистон билан Украина ўртасида узоқ йиллик аъёнага эга бўлган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янги босқичга кўтаришда мазкур ташрифларнинг аҳамияти катта бўлди. Дарҳақиқат, мазкур ташрифлар давомида олиб борилган музокаралар, имзоланган ҳужжатлар икки давлатни стратегик ҳамкорлар даражасига олиб чиқди.

Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 300 миллион АҚШ долларига эди. Ўзбекистон Украинага пахта, рангли металл, газ, тамаки, томат, газлама каби қўллаб турдаги маҳсулотларни етказиб беришда. Украинага юборилаётган биргина газнинг ўзи ўтган йили 10 миллиард кубметрни ташкил қилди. Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам самолётсозлик соҳасига эга давлатлардир. Бу соҳада ҳам изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг Украинага бу галги расмий ташрифи ҳам музокараларга бой бўлади. Ташриф давомида Президент Ислам Каримовнинг Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашуви кўзда тутилган. Музокаралар якунида эса икки давлат ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА)

## ЎЗБЕКИСТОН-КОРЕЯ: ЯНГИ АСРДА ЯНГИЧА ШЕРИКЛИК

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4-6 октябр кунлари давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди.

Жанубий Корея тараққиёт жиҳатидан дунё мамлакатлари орасида 12 ўринда туради. Ушбу мамлакатда халқ ҳужалигининг қўллаб соҳалари, жумладан, автомобилсозлик, кemasозлик, енгил ва оғир sanoat, электроника маҳсулотлари ва маиший товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш юксак даражада ривож топган. Жанубий Кореядаги «ДЭУ», «Самсунг» сингари қўллаб компанияларнинг доври бунун дунёга тарқалган. Президент Ислам Каримовнинг мазкур мамлакатга буюрган учинчи ташрифи ана шундай давлат билан ҳамкорлик алоқалари ва шериклик муносабатларини янада юқори поғонага кўтариш учун пухта замин тайёрлади.

Давлат шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон айти пайтда саксондан ортик мамлакат билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйган бўлса, улар орасида ўзаро товар айирбошлаш ва сармоя киритиш борасида Жанубий Корея етакчи ўринда туради. Бунга рақамлар билан тасдиқлаш мумкин. 1997 йили ўзаро савдо-сотик ҳажми қарийб 1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Шу кунгача мамлакатимиз иқтисодиётига Жанубий Корея киритган сармоя эса 1,2 миллиард долларга етди.

Президентимизнинг Корея Республикасига ташрифидан бир қатор мақсадлар кўзланган эди. Сафар асносида бу мақсадлардан барчаси эришилди, дейиш мумкин. Мамлакатимизда етмишдан ортик қўша корхона, 15 та йирик фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сонини ошириш, фаолият қўламини кенгайтириш лозим. Сеулдаги музокараларда ана шу масала муҳокама қилинди. Томонлар ҳамкорлик қўлаётган фирма ва компанияларни хар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олди. Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Жунг мамлакат раҳбарияти Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўлаётган барча корей компанияларига имкон қадар ёрдам бериши, улар учун алоҳида имтиёзлар жорий қилишини айтди.


Корейлик ишбилармонлар билан шериклик Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йиллардан бошланган. Сафар чоғида Президент Ислам Каримов Жанубий Кореянинг янги раҳбариятига икки томонлама алоқалар ўзаро манфаатли эканини асослаб берди ва шу билан бирга янги раҳбарияти билан бевосита танишди. Музокараларда томонларнинг фикри бир жойдан чиқди ва ҳамкорликни шу асосда давом эттириш ва янада ривожлантиришга келишиб олди. Бунинг тасдиғи сифатида президентлар ХХ1 асрда янгича руҳдаги шериклик тўғрисида қўша баёнот қабул қилганини айтиш мумкин.

Масаланинг яна бир жиҳати - Жануби-шарқий Осиёда юз берган молиявий инқироз Корея Республикасини ҳам четлаб ўтмади. Бу икки томонлама алоқаларимизда ҳам сезилди. Масалан, 1997 йили товар айирбошлаш ҳажми 973 миллион АҚШ долларига тенг бўлган эса, 1998 йилда қарийб 300 миллионга камайдди. Инқироз Жанубий Корея ҳукумати иқтисодий сиёсат, ташқи савдо-иқтисодий алоқаларини қайта қўриб чиқишга мажбур қилди. Афсуски, Ўзбекистоннинг синалган ҳамкори - ДЭУ корпорацияси ҳам молиявий тангликдан анча зарар кўрди. Ўзбекистон билан тузилган айрим лойиҳалар ижроси ортага сурилди. Шу боис Президент Ислам Каримов мамлакат ҳукумати оғир шaroитда ДЭУни биргаликда қўллаб-қувватлашга ундади.

Лойиҳаларнинг бири «ЎзДЭУавто» қўша корхонасида «Нексия 2» ва «Матиз» русумли автомобиллар ишлаб чиқаришни кўзда тутди. Яна бири Тошкентда «ДЭУ» русумли автомашиналар учун двигателлар ишлаб чиқарувчи корхона очишга қаратилган. Биринчи лойиҳани баҳоси қарийб 100 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, у 18 ойда амалга оширилади. Бу маблагнинг 40 фоизи «ЎзДЭУавто», 60 фоизи эса Жанубий Кореянинг Эксимбанки зиммасида. 130 миллион доллар деб баҳоланган иккинчи лойиҳа ҳаётининг қўламини кенгайтириш лозим. Сеулдаги музокараларда ана шу масала муҳокама қилинди. Томонлар ҳамкорлик қўлаётган фирма ва компанияларни хар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олди. Жанубий Корея Президенти Ким Дэ Жунг мамлакат раҳбарияти Ўзбекистон билан ҳамкорлик қўлаётган барча корей компанияларига имкон қадар ёрдам бериши, улар учун алоҳида имтиёзлар жорий қилишини айтди.

Корейлик ишбилармонлар билан шериклик Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йиллардан бошланган. Сафар чоғида Президент Ислам Каримов Жанубий Кореянинг янги раҳбариятига икки томонлама алоқалар ўзаро манфаатли эканини асослаб берди ва шу билан бирга янги раҳбарияти билан бевосита танишди. Музокараларда томонларнинг фикри бир жойдан чиқди ва ҳамкорликни шу асосда давом эттириш ва янада ривожлантиришга келишиб олди. Бунинг тасдиғи сифатида президентлар ХХ1 асрда янгича руҳдаги шериклик тўғрисида қўша баёнот қабул қилганини айтиш мумкин.

Масаланинг яна бир жиҳати - Жануби-шарқий Осиёда юз берган молиявий инқироз Корея Республикасини ҳам четлаб ўтмади. Бу икки томонлама алоқаларимизда ҳам сезилди. Масалан, 1997 йили товар айирбошлаш ҳажми 973 миллион АҚШ долларига тенг бўлган эса, 1998 йилда қарийб 300 миллионга камайдди. Инқироз Жанубий Корея ҳукумати иқтисодий сиёсат, ташқи савдо-иқтисодий алоқаларини қайта қўриб чиқишга мажбур қилди. Афсуски, Ўзбекистоннинг синалган ҳамкори - ДЭУ корпорацияси ҳам молиявий тангликдан анча зарар кўрди. Ўзбекистон билан тузилган айрим лойиҳалар ижроси ортага сурилди. Шу боис Президент Ислам Каримов мамлакат ҳукумати оғир шaroитда ДЭУни биргаликда қўллаб-қувватлашга ундади.



Ўзбекистон Президент Ислам Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ким Дэ Жунг ўзаро танишди.

қаларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш учун пухта замин тайёрлабгина қолмай, ўзаро ишончини янада оширди. ДЭУ мисолида олсак, БМТнинг Европа бўйича комиссияси томонидан жорий қилинган Евро-1 ва Евро-2 миссияларидаги қондалар автомобилсозлик компанияларини рақобатбардошликни йўқотмаслик учун янги, экология таъсири камайtirилган, юқори технологияли, юксак талабларга жавоб бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга катта сармоя киритишга ундайди. Енгил машина вақт ўтгани сари эскириб бораверади. Янги-янги русумли автомобилларга эътиҳор ортди.

Ўзбекистонда айти пайтда Нексия, Токко, Дамас русумли автомобиль бозор талабига мос. Чунки, илгариги тузумда - шўро замонида одамлар машина олиш учун йиллаб навбатда туришга мажбур бўларди. Хозир вазиет ўзгача. Аммо, шуни унутмаслик керакки, одамларнинг онги, дунёқараши, қолаверса, диди тобора ўзгариляпти. Бу эса «ЎзДЭУавто» билан ҳамкорликда юқоридаги лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишни тақозо қилади.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч мустаҳкамлашининг муҳим омили ҳисоб-китоб борасида Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президент Ислам Каримовнинг бераётган қафолатидир. Ишбилармон ўз ҳамкасби ёки бирор юқори лавозимли шахс билан музокара ўтказса, албатта, унга тўла ишонч билдириши кўйин. Аммо бевосита давлат раҳбаридан қафолат олса, вазиет тамомила бошқача бўлади. Қўшиб қўйиш керак, Ўзбекистонда кредит ва бошқа мажбуриятлар бўйича тўловларни ўз вақтида амалга ошириляпти. Яъни, айрим қўшилариимиз, ёки масалан, Россия каби тўлов қобилиятини йўқотмаган. Рақамларга мурожаат қилсак, Ўзбекистоннинг ташқи қарзи яппи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажмининг 3 фоизига тенг. Айрим қўш-

ни давлатларда бу кўрсаткич етмиш, Россияда эса, ҳатто саксон фоизга ҳам чиқди. Ваҳоланки, ташқи қарз миқдори ЯММ ҳажмининг 60 фоизидан ошса, ўша мамлакат хонавайрон бўлгани билан баробар. Корей ишбилармонларининг Ўзбекистонга қизиқиши шу боис ҳам ортик бормоқда. Корейлик қўллаб қўзатувчилар «Ўзбекистон Жанубий Корея учун Марказий Осиё дарвозасидир», деган гапни беҳиж айтмаёттир. Гап шундаки, икки давлат ўртасидаги муносабатлар Шарқий Осиё ва Марказий Осиё, қолаверса, бунун МДХ министрликларининг ўртасидаги алоқалар ривожига туртки бўлаёттир. Бу нуқтага назар фақат Корейядагина баён қилинган йўқ. «Ўзбекистон қайси йўлдан бурса, унинг қўшилари ҳам шу йўлни таллайди». «Тошкентда ваколатхона очиб, Марказий Осиёдаги барча давлатлар билан ишлаш мумкин» қабилидаги фикр-мулоҳазаларни илгарги бошқа манбаълардан ҳам кўп эшитганмиз, бунинг тасдиқовчи мисоллар талабимиз.

Сеулдаги учрашувлар натижасида эришилган яна бир келишув Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан «Қабул текстайл» компанияси ўртасида имзоланган протокол бўлди. «Қабул текстайл»нинг Тўйтепа ва Тошкентдаги корхоналари самарали фаолият кўрсатаётганидан хабарингиз бор. Бу заводлар маҳсулотининг саксон фоизи Фарб давлатларига экспорт қилинмоқда. Шу кунгача Ўзбекистонда «Қабул текстайл»нинг қарийб 250 миллион долларлик сармояси ўзлаштирилган. Янги имзоланган ҳужжатга кўра эса, қяин йилларда бу сармоя ҳажми 1 миллиардга етказилади. «Қабул текстайл» Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарига қарийб миллионга йигирту машинасини келтиради. Бу мамлакатимизда тўқимачилик саноати юксак даражада ривожланиши учун муҳим омил бўлади. Чунки, Ўзбекистонда мазкур соҳа-

да қўлланилаётган дастгоҳлар жуда эски. Корейдаги аҳволга қарасак, вазиет янада ойдинлашади. Биринчидан, у ерда пахта йўқ. Уни Ўзбекистондан олиб бориш мумкин, лекин йўлқира тайёр маҳсулот таннархини ошириб юборди. Демак, харажат яна ортади. Бу томонлар манфаатига қўп ҳам уйғун эмас. Техника ва технологияни Ўзбекистонга келтириб, шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш ташкил қилинса, ўзгача бўлади. Яъни, пахта хомашёси, маҳаллий иш кучи етарли, кадрлар - малакали. Ниҳоят пахтани олиб кетиш ва тайёр маҳсулотга айлантириб яна олиб келиш учун ортиқча харажат қилинмайди. Ўзбекистонда sanoat ривожланади, ўн минглаб одамлар иш билан таъминланади. Хуллас, эришилган аҳдлашув икки томон учун ҳам фақат фойда келтиради.

Сеулдаги учрашувларда ипакчилик бўйича ҳамкорлик ҳусусида ҳам келишиб олинди. Келишувга биноан, Корейнинг «Ай-Ди-Эм» компанияси билан биргаликда «Ўзбек ипаги» уюшмасининг корхоналари замонавий техника билан жиҳозланади. Бундан ташқари, «Ай-Ди-Эм» қайта ишланган ипақни сотиш бўйича маркетинг ишлари билан ҳам шуғулланади. Қиймати 15 миллион доллар тенг бу лойиҳанинг молиявий таъминоти Корея Эксимбанки зиммасида бўлади.

Корей Эксимбанки Ўзбекистонда лицей ва коллежларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш лойиҳаси ижроси учун ҳам 35 миллион АҚШ доллар миқдориди имтиёзли кредит ажратди. Ислохотлар самараси қўп жиҳатдан кадрларнинг малакаси, ўз касбини қай даражада эгаллаганига боғлиқ. Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ана шу мақсад йўлидаги залворли қадамлардан бўлди. Корея Эксимбанкининг кредити мазкур дастур асосида очилган академик лицейлар ва касбунахур коллежларини замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, бундай мақсадларни амалга оширишди.

Жамоамиз аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифини ҳаяжон ила қўзатиб турдилар. Самимий суҳбатлардан Кореяда Ўзбекистонга интилиш нақадар кучли эканини бунун вужудимиз билан ҳис қилиб, дил-дилдан севиндик. Улуг инсонлар жуда тўғри таъкидлашди: Ўзбекистоннинг табиий захиралари ва ишчи кучи, корей технологияси ва сармояси ҳамкорлик ривожини учун муҳим омиллардир.

Корей ва Ўзбекистон Республикалари ҳамкорлигининг мустаҳкамланиб-танглиги икки минтақа ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига катта туртки бўлишига ишончимиз комил. Жаҳонда дўстликка, ҳамкорликка нима етсин! Уни-

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УКРАИНАГА ТАШРИФИ

КИЕВ. ЎЗА махсус мухбири Бехзод Усмонов хабар қилади:

7 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Украинага келди. Киевнинг Бориспол аэропортида давлатимиз раҳбарини Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко кўтиб олди.

Марин саройида Ислам Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистон раҳбарини самимий қарши олди. Ўзбекистон ва Украина Давлат маҳиялари янгради. Икки мамлакат давлат раҳбарлари фахрий қорувул сафи олтидан ўтидилар. Маросимдан сўнг Ислам Каримов билан Леонид Кучма ўртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари ҳусусида фикр алмашдилар.

Шундан кейин Ислам Каримов ва Леонид Кучма иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибиди музокаралари бўлди. Унда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилинди. Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Украина Президенти Леонид Кучма икки давлат ўртасида барча соҳаларда стратегик ҳамкорликни мустаҳкам-

лаш тўғрисидаги Баёнотни, Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни имзолادилар. Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комитов ва Украина ташқи ишлар вазири Б.Тарасюк Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама фуқаролик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақидаги Протоколга имзо чекдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ислам Каримов Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Шу кунги мамлакатимиз раҳбари Украина миллий телевидениесининг биринчи каналига интервью берди. Оқшом Марин саройида Президент Ислам Каримов шарафига Украина Президенти номидан қабул маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Президентининг Украинага расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА)

## ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ ҲУСУСИДА

Ўтган кунги Ўш вилоятининг Боткен, Чўн Олой ва Қаддамжой туманларида жиддий ўзгариш бўлмади. Жангариларнинг асосий гуруҳлари Хўжа Очкан қишлоғи яқинида тулганлар. Уларнинг истеҳкомлари Хўжа Очканнинг жануби-ғарби ва жануби-шарқиди, яъни Шудман, Арча Боши, Юқори Жили Суу ва Куйи Жили Сууда жойлашган.

Қирғизистон қўшинларининг бўлинмалари таркиби тўлдирилган, улар жойлашган ерларда ўзгарган вазиет ҳисобга олиниб, жанговар ҳаракатларни амалга ошириш тактикаси пухталаштирилмоқда. Зардол қишлоғида Қирғизистон Республикаси ҳарбий бўлинмалари ўзгалла турган жойда истеҳкомларини мустаҳкамламоқда, шунингдек, ўт очиш тизимини ташкил этиш ва бошқа бўлинмалар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишга доир тадбирларни амалга оширмоқда.

Маҳаллий аҳоли вакилларининг хабар қилишича, Тожкистон Республикасининг чегарадош ҳудудидан Қирғизистонда қишлашга қолган террорчилар учун озик-овдат ва зарур анжомлар келтирилмоқда. Уларга ўзларини танитмаслик учун маҳаллий аҳоли орасида яширинишга кўрсатма берилган.

Қочқинлар Қаддамжой туманидан доимий истикомат жойларига қайтиб келишди. Боткен туманида қочқинлар 3379 кишини ташкил этади.

Бизнинг ҳарбий хизматчиларимиз Ватанимиз чегараларини ҳимоя қилиш билан қўриллаб турибди. Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон билан давлат чегараси кучайtirилган тартибда қўрилмоқда. Ўзбекистон Куролли Кучларининг бўлинмалари ўз касб маҳоратини ва жанговар тайёргарлигини оширишга доир режалли тадбирлар билан шуғулланимоқда.

Н.Муҳаммадиев, (ЎЗА)

## САМАРАЛИ ТАШРИФДАН БОШИМИЗ ОСМОНДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига қилган гоёт самарали ташрифи серкуёш дийрнимизда яшаётган корей миллилатига мансуб кишиларнинг ҳам кўнглини тоғде қўтарди. Улар икки мамлакат ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган иқтисодий ҳамкорлик бошқа соҳалардаги муносабатларини ҳам мустаҳкамлашга кенг йўл очганини мамнуният билан эътироф этмоқдалар.

ВИКТОР КИМ, Юқори Чирчик туманидаги 19-мактаб директори

Ўн тўққиз йилдан бунён ёш авлодга таълим-тарбия беришдек шарафли ишга камтарин хисса қўшиб келаяпман. Ухшайиш йўқ бўстон - Ўзбекистонда яшаш, меҳнат қилиш насиб этганлигидан гоёт бахтиёрман. Мен бағри-

Мактабда асосан корей миллилатига мансуб кишиларнинг фарзандлари таълим олишади. Мамнуният билан таъкидлашим лозимки, ҳукуматимиз томонидан катта меҳрибонлик кўрсатишмоқда. Хусусан, ўқув кўроллари билан таъминлаш, малакали кадрларни тақлиф этиш борасида ибратли тадбирлар амалга оширилди.

Жамоамиз аъзолари Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифини ҳаяжон ила қўзатиб турдилар. Самимий суҳбатлардан Кореяда Ўзбекистонга интилиш нақадар кучли эканини бунун вужудимиз билан ҳис қилиб, дил-дилдан севиндик. Улуг инсонлар жуда тўғри таъкидлашди: Ўзбекистоннинг табиий захиралари ва ишчи кучи, корей технологияси ва сармояси ҳамкорлик ривожини учун муҳим омиллардир.

Корей ва Ўзбекистон Республикалари ҳамкорлигининг мустаҳкамланиб-танглиги икки минтақа ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига катта туртки бўлишига ишончимиз комил. Жаҳонда дўстликка, ҳамкорликка нима етсин! Уни-

миз, ишлаётганлигимизни билмоқчи бўлсангиз, кадрдон оиламизга, меҳнат жамоаларига ташриф буюринг. Шунда мустақиллик йилларида эришилган улкан муваффақиятларни қўриб, ҳавасингиз келадди, дейман. Бундай дил сўзларини эски кадрдонларим - 34 йилдан бунён қўлтувчилик қилаётган Куйи Чирчиклик Валентина Ан, ажойиб боксчимиз, ҳозирда ёшлар мурабғоти бўлиб Владимир Шин, Республика корей маданияти марказлари ассоциацияси раиси Пётр Ким ҳам ихзор этишлари мумкин.

ЮРИЙ ЛИ, Андижон вилояти корей маданият маркази раиси

Корей ва Ўзбекистон Республикалари ҳамкорлигининг мустаҳкамланиб-танглиги икки минтақа ўртасидаги алоқаларнинг ривожланишига катта туртки бўлишига ишончимиз комил. Жаҳонда дўстликка, ҳамкорликка нима етсин! Уни-

**Сиёсий партиялар, демократик тамойиллар асосида сайловларда сайланган депутатлар миллий давлатчилигимиз равнаки йўлида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишлари лозим бўлади. Инчунун, давлатчилигимиз илдишлари, манбалари деганда, аввало, халқимизнинг оғзаки ва ёзма ижодида «адолатли шоҳ», «адолатли давлат», «адолатли жамият» ҳақидаги гоёлари, истаклари: бу истақ ва орзуларнинг кейинчалик Шарк фалсафаси ва ислом сиёсий-ҳуқуқий таълимотларида ривожланиши назарда тутилади. Шарк фалсафаси намояндалари Куръони Карим ва Хадис ҳукмлари, қоидаларига асосланган қонунлар тизими - шариатни ривожлантирганлар. Машҳур ханафийлар мазҳаби фикр мактабининг намояндаларидан ал-Бухорий, ат-Термизий каби улуг муҳаддислар ўлмас ҳадис китобларини яратганлар. Шунингдек, факхлардан - Убайдуллоҳ ибн Умар аз-Дабусий (XII аср), Амил ал-Байқандий (XII аср), Абдулазиз Марғинович ва унинг ўғли Абдулхасан Заҳриддин (XI аср), буюк давлат арбоблари Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккирларнинг хизматларини тилга олиш лозим.**

«Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз, - деди Ислам Каримов. - Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса, халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир...» Адолат ва ҳақиқат ўтмишда давлат раҳбарларини танлаш ва уларни жой-жойига қўйишда исломий қоидалар ва шариат мезон бўлиб хизмат қилган. Ана шу маънода бугунги давлат қурилишида ҳамда қонунлар қабул қилишда адолат ва ҳақиқат тушунчаларини эътиборга олмасак, асрлар давомида орзу қилган адолатли жамият ва давлатга эриша олмаيمиз.

Бундай тамойилларни амалга ошириш Ўзбекистонда ҳуқуқий шароит - Конституция қонун билан белгилаб қўйилган. Табиийки, бундай сиёсат миллатлараро тотувлик, республикада яшовчи барча халқлар ўртасида ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш учун қўлай имкониятлар яратди. Бу айниқса, сайловлар пайтида яққол кўзга ташланади. Боиси, сайлаш, сайланиш миллат, элат танламайди.

Утиш даври - бу моҳитан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муносабатларни янги мазмунга ўтказиш, тағ-замин ва усткурмани ўзгартириш, замондан ортда қолган дунёқараш ўрнига янги сиёсий яратилган иборат. Шу маънода ўтиш даври жамият тараққиётида жиддий бурилиш вазифасини ўтайди. Ўтмиш сабоқлари бундай шароитда бошқарувда ижро органларининг маъқеи юқориқрақ бўлса, ҳокимият ваколатлари ўз навбатида идрокли ва билимдон раҳбар қўлига тутқазилса, юксак самара беради. Худди шундай раҳбар мамлакатимизда муқобиллик йўли билан 1991 йилда сайланган эди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан мамлакат раҳбари - Президент аниқ вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир. Бу ҳолат Ко-

ва вазифаларни оқилона ҳал этишда бир ёқадан бош чиқариб, соғлом муҳит ва соғлом муносабат шариатида фаол меҳнат қилишлари учун қўлай замин яратди.

1994-1999 йилларда олий ҳамда маҳаллий вакиллик ҳокимиятларининг ва давлат бошлигининг фаолияти мударратини муайян бир вақтда ҳал қилиб, ундан кейин ортиққа сиёсий баҳслашувларни, сайлов ташвишлари ва юмушларини йиғиштириб, ҳокимиятнинг барча тармоқлари баробар бел боғлаб, зиммаларига олган мажбуриятларини амалга ошириш учун астойдил меҳнат қилганини эътироф этиш ўринлидир.

Ана шундай фаол меҳнат қилаётганлар, зарур бўлса, Президентимиз таъкидлаганидек, Ватан

сийлаштиришни сиёсий жабҳадаги ислохотлар билан бирга поёнига етказсак, ҳақиқатан ҳам ижро ва вакиллик ҳокимиятлари ўртасида тенглик юзага келади.

Бундай кўп қиррали ўзгаришлар, ислохотлар изчилликда ҳамда ўзаро боғлиқликда умуммақсад сари ягона марказдан амалга оширилмоқда. Ушбу марказда Президент Ислам Каримовнинг маъқеи алоҳида аҳамиятта молик. У кишининг бевосита раҳбарлигида ҳокимият шохобчалари ўртасида ваколатлар тақсмоти амалга оширилмоқда. Қўрилаётган чора-тадбирлар ўтиш даври мударратини қисқартириш, ўзини ўзи тақомиллаштира оладиган демократик тизимни шакллантиришга, шахс ва давлат манфаатлари-

ҳожати йўқ, энг янги тарихимизда, мустақил давлатимиз тикланаётган босқичда ва сайловлар арафасида биз учун ҳам хавфли давр бўлди. Республикада митинг-бозлик бошланди, сиёсат билан шугулланишни асосий мақсад қилиб олган айрим сафсата-бозлар ва турли-туман масъулиятсиз кишилар халқни носоғлом эҳтирослар ўпқонига, ҳуқуқий бош-бошдоқлик ва қонунсизлик жарига тортишга уриндилар. Бироқ, фақат Президентимизнинг қаттиққўлиги, мард ва тантлиги туфайли «оловли», «қонли» ҳолатлар юз бермади. Бошқа минтақаларда бу ҳолат нақадар қимматга тушгани маълум. Россия, Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон, Грузия, Молдовада ўн минглаб беғунох кишилар ҳаётдан кўз юмди, юз минглаб одамлар бошпанасиз қолди, ҳар қандай ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум бўлди.

Сиёсий курашлар тарихидан маълумки, сайловлар жараёнида жаҳондаги кўплаб партиялар ҳар қандай уриқитни, жанжални бошидан кечирган. Бизда эса, сиёсий партияларимиз ва жамоат ташкилотларимиз бундай сайловолди ишларни юксак савияда, ҳуқуқий маданият тамойиллари асосида, бунёдкорлик ва яратувчилик шакл-шамойиллари талабларидан келиб чиққан ҳолда ўтказадилар.

Конституцияга қўра (7-модда) Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг ягона манбаи халқдир. Шунинг учун ҳам ўтиш даврида айрим давлат органлари фаолиятида учрайдиган номутоаносибликларни мувофиқлаштиришга қарор қилинган ҳам мантиқан, ҳам қонуний асослидир. Чунки давлат аппарати ягона механизми ташкил этади. Уни алоҳида-алоҳида мударратларда шакллантириб бўлмайди. Биз шундай давлат аппаратини ташкил этишимиз лозимки, унинг барча тармоқлари ва бўғинлари ягона механизмни ташкил этиши ва қонунга биноан ҳаракат қилиб, жамиятга раҳбарлик қилиши керак.

Ўзбекистон Республикасида давлат ва ҳуқуқнинг демократик тамойиллар асосида шаклланиши ва тақомиллашиши энг илғор сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар асосида амалга ошириладиганлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда. Буни қўшни мамлакатлар ҳаётида содир бўлаётган сиёсий-ҳуқуқий воқеалар билан қўйсалганимизда ҳам кўришимиз мумкин.

**Халимбой БОБОЕВ,**  
хуқуқшунослик  
фанлари доктори,  
профессор.  
**Карим НОРМАТОВ,**  
тарих фанлари  
доктори, профессор.



Термиз туманидаги 235-Халқобод сайлов участкасида сайловларга пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Ҳозир бу ерда бўлган киши, аввало, участка учун ажратилган бино сифатли таъмирлангани, хоналар дид билан безатилганининг гувоҳи бўлади. Айниқса, ўқув хонасида сайловчилар учун зарур адабиётлар, кундалик матбуот нашрлариға кенг ўрин берилгани сайловчиларға катта қўлайлик яратмоқда.

Суратда: участка сайлов комиссияси раиси Чори Исмамов фаоллар Чўлибой Рўзиев, Чори Нурмаатов, Эшмўмин Курбонназаровлар билан галдаги ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## Сайлов ва сиёсий партиялар

# ХАЛҚ ПРОДАСИ-ХАҚ ИФОДАСИ

1994 йил охирида сайланиб, беш йил мударратдан иборат ваколатга эга бўлди. Бундай вазиятда, табиийки, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ваколат мударратлари жиҳатдан номутоаносиблик келиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлиши Президентнинг ва Олий Мажлиснинг ваколатлари ўртасидаги бу номутоаносибликка барҳам бериш, қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг ваколатини Олий Мажлис ваколатлари амал қиладиган мударратга қадар узайтириш тақозо этилади.

Мамлакатимизда давлатчилик шаклланиётган, бошқарувнинг самарали шакли вуҷудга келаётган, иқтисодиётимизда оламшумул ислохотлар жорий этилаётган, маънавиятимиз қайта тикланиб, куч-қувватга тўлиб, халқимиз истиқболига хизмат қилаётган бир пайтда, лўнда қилиб айтганда, халқимиз ҳаётини барқарорлаштириш мақсадида аниқ белгилаб олинган сиёсатни оғишмасдан, беҳуда тортишувларсиз, гоёт изчиллик билан охирига етказиш давр талабидир.

Дунё тажрибаси шунки кўрсатдики, давлат бошқаруви тармоқлари бўлимиш қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг муайян бир даврнинг ўзида шаклланиши уларнинг келажақда ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш, олиндида турган муаммо

равнақи учун жонини фидо қилишга тайёр эканлигини қайд қиламиз. Шароит тақозо қилган пайтда ва керакли ўринда мана шундай раҳбарни топа билган миллат тараққиёт сари шаддам қадам ташлаши, ривожланишининг янги босқичига кўтарилиши мумкин. Бу ўринда Александр Македонский ёки Юлий Цезарни, Мовароуннахр тарихида Амир Темурни, Россияда Петр I ни, Германияда Бисмарк ишларини эслашнинг ўзи кифоя. Иккинчи жаҳон уруши пайтида Буюк Тўшкунликдан Американи олиб чиққан Ф.Рузвельт учинчи-тўртинчи мударратларга АҚШ Президенти этиб сайланди. Ваҳоланки, ушбу давлат Конституцияси буйича, у фақат икки маротаба президентликка сайланиши мумкин эди. Франциядаги оғир тушқунлик пайтларида Де-Голл янги Конституция орқали қўшимча ваколатларга эга бўлиб мамлакатни оғир аҳволдан қутқариб қолди. Миср, Туркия ва Жанубий Курияда самарали ўзгаришлар кўп жиҳатдан мамлакат раҳбарларига ислохотларни изчиллик билан амалга оширишлари учун етарлича мударрат ва ваколат берилганлигидандир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти ва демократиянинг пойдеворини яратиш мақсадида мулкчилик шакллари ўзгариши авж олдирилган. Худудимизда амалга оширилаётган ушбу ислохотлар ҳамдўстлик мамлакатларидан ислохотлардан амалийлиги ва самараси билан тубдан фарқ қилади. Хусусан

нинг уйғунлашувиға олиб келиши муқаррар. Ҳозиргача мамлакатимизда амалга оширилган ва яқин келажақда рўйбга чиқарилиши лозим бўлган ислохотлар чизмаси Ислам Каримовнинг етук ислохотчи-меъмор эканлигини намойён қилмоқда.

Ўзбекистонимиз тақдирини жиддий бурилиш йиллари бўлаётган даврда раҳбарга кўмаклашиш, у киши бошлаган ишнинг поёнига етказиш учун имконият яратиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Ислохот ва раҳбар тақдирлари ажралмасдир. Шу сабаб, Президент Ислам Каримов ваколатларини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш буйича Олий Мажлис қарори вақт талаби доирасида қабул қилинган муҳим қарор эди. Шу ўринда сессияда алоҳида таъкидланган куйидаги фикрлар эътиборга молик: «Барча сайловолди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади - ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз беришидан қатъи назар, Президент номзодими ёки депутат номзодими - аввало ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин». Мана шундай бароритда сиёсий партиялар ва партиясизлар фаоллиги янада ошиши зарур, деб ўйлаймиз.

Мажҳуд сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг сайловдаги фаоллиги - бу ўтказилаётган ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган негизларни - сиёсий барқарорлик ва умумий иллий аҳиллики сақлаш ҳамда мустаҳкамлашдан иборат бўлмоғи керак. Яширишнинг

### Ижтимоий ҳимоя

Наманган туманидаги Маматжон Тўрғунов номи 3-ўрта мактабда 1309 нафар ўқувчи таълим олмақда. Уларга 66 ўқитувчи фан асосларини ўргатмоқда. Ўтган ўқув йилида ўқувчиларнинг 594 нафари яхши ва аъло баҳоларга ўқиди. Шу боис туман буйича ўтказилган рейтингда мавжуд 42та мактаб ичида 7-ўринни эгаллади. Айни чоғда барча ишлар маъмурият билан қасаба уюшмаси ташкилоти ҳамда мактаб ўқитувчилари ўртасида шартнома асосида ташкил этилаётгани ўзининг яхши самарасини бермоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, мактаб ўқитувчилари туман, вилоят миқёсида ўтказилаётган тадбирларда фаол қатнашмоқдалар. Хусусан, туманда ўтказилган «Энг, энг, энг» (кўрсатмалли қуроллар тайёрлаш буйича) кўрик танловида педагог ходимлардан уч нафари фахрли ўринларни эгалладилар.

Мактаб қасаба уюшмаси 124 нафар ишчи ва хизматчиларни бирлаштиради. Уларни ижтимоий муҳофаза қилишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, ходимларнинг баракали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. 1994-98 йиллар учун табиий газ, электр-энергия, ичимлик суви ва квартираға 1.514.407 сўм халқ таълими бўлими

## МУРАБИЙЛАР ЭЪЗОДА

томонидан тегишли ташкилотларға ўтказиб берилди. Бу ўқув йилида ҳам таълим жонқуярлиға ана шундай имтиёзли хизмат кўрсатилмоқда.

«Ғайрат» жамоа ҳўжалигининг саҳоватпешалиги туфайли мактаб ўқитувчилари ва хизматчиларига 1 тонна соли, 1 тонна ўсимлик мойи берилди. Бундан ташқари ғалладан бўшаган 3 гектар ер ажратилиб, унга ўқитувчилар ўз эҳтиёжлари учун фойдали экин экиб олдилар. Ҳўжалик маъмурияти билан келишилган ҳолда «Ёдгорлик» китоби ташкил этилди.

Синф хоналарини замон талабига мос қилиб таъмирлашда қасаба уюшма аъзолари ташаббус кўрсатиб меҳнат қилдилар. 26 синф хонасига 528 минг сўм маблағ сарфланди.

Ўқитувчиларни дам олдиришга ҳам қасаба уюшмаси ташкилоти катта эътибор бераёпти. Масалан, шу йил январ ойида ходимлардан 32 нафари Кува ва Фарғона шаҳриға саҳаҳат қилиб, Аҳмад ал-Фарғоний ёдгорлигини зиёрат қилиб келишди. Яқинда мактаб ўқитувчи ва хизматчилардан 6 нафари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига туристик поездға сафарда чиқдилар.

**Исмоилжон ТУРҒУНОВ,**  
Республика халқ таълими аълоҳиси,  
меҳнат фаҳрийси.

### «Ишонч»ға жавоб берадилар

#### «АЛОХИДА БЎЛИМ ТАШКИЛ ЭТИЛСА»

Газетамизнинг шу йил 15 сентябр сонидида «Халқаро саҳифаси» умумий руқни остида чоп этилган юқоридаги сарлавҳали материалда газетаносиржон Тўлабоев Чортоқ марказий шифохонасида асаб касалликларини даволочи бўлим ташкил этилишини тақлиф қилган эди.

Чортоқ туман марказий шифохонаси бош ҳақими И.Вазировнинг тахририятимизға йўллаган жавобида маълум қилинишича, мақола туман табиий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ўрганиб чиқилган. Йиғилиш иштирокчиларининг ҳулосаси шуки, мавжуд ўринлар сони аҳолининг неврология хизматиға бўлган эҳтиёжини тўла қондираётди. Йил давомида асаб касаллигиға чалинган биронта бемор қабул қилинмай қилиниши ҳолати кузатилмаган. Шу боисдан ҳам алоҳида бўлим ташкил этиш зарурати йўқ.

Ички касалликлар бўлими қошида ажратилган неврология ўринларидан унумли фойдаланиш ва беморлар учун барча қўлайликлар яратиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгилаиб, амалга оширилмоқда.

### Босилмаган хатлар изидан ЭХТИЁЖ КОНДИРЛИДИ

Шу йилнинг август ойида тахририятимизға хат билан муржоҳат қилган Бекобод шаҳрининг «Янғобод» маҳалласида яшовчи Малика Эргашева Темур Малик кўчаси аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш қоникарсиз аҳволдалиги, кўча асфальт қилинмагани, оқибатида рўй бераётган асаббузарликлар хусусида маълум қилган эди.

Тахририятимиз ушбу хат юзасидан Бекобод шаҳар ҳокими Ж.Нариддинов имзоси билан жавоб олди. Унда қайд этилишича, хатда келтирилган далиллар текширишда тасдиқланган. Шаҳар «Сувоқ-ва» корхонаси томонидан қувурларда сув бошимини кўтаришға оид ишлар амалга оширилган. Шунингдек, газетаносиржон мақтубида тилга олинган кўча асфальт қилина бошланган.



Қашқадарё вилоятининг Усмон Юсуфов туманида пахта ҳосилини машиналар ёрдамида йиғиштириб олишға алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ишда деҳқонларға машина-трактор парки механик-ҳайдовчилари яқиндан кўмак беришмоқда.

Суратда: механик-ҳайдовчи Асом Мардиев.

Асом Мардиев ўтган йили «Кэйс» комбайни билан 400 тонна пахта терганди. Шу кунгача 200 тоннадан ортиқ пахта йиғиштирган моҳир механизатор ўтган йилги кўрсаткичидан ўзиниши ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

### Санақия берган имконият

Оқолтин туманидаги Бобур номи жамоа ҳўжалиги сўнгги беш-олти йил ичида иш юртишининг бир неча усулларини қўллаб кўрди. Бироқ, ишлар сира олға босай дедилар. Илдан-йилға ҳам қарзлар, ҳам арзлар қўлайли бораверди. Ўтган йил яқини буйича ойлик маошдан қарздорлик миқдори 21 миллион сўмға етди. Ҳўжалик оғир молиявий аҳволға тушиб, банкротлик даражасига келиб қолди. Ана шундай мураккаб вазиятда, шу йилнинг бошида санақия тушди.

Ишдан кўнгли совиган деҳқонларнинг кайфияти бугун бошқача. Улар ҳуқуқимизнинг кишлоқ ҳўжалигига бераётган катта мададини хис этишмоқда. Энг муҳими, меҳнатта яраша мумай даромад олиш имкони яратилди. Ойлик маошдан қарздорлик ҳам йил охиригача узилиши учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Бунга ўз-ўзидан эришилмапти, албатта. Ҳўжалик деҳқонлари ғалларнинг ўзидан 9 миллион сўм фойда олишға муваффақ бўлишди. Бунинг 7.5 миллион сўми одамларға ойлик сифатида тарқатилди.

Ҳўжалигимизда 1444 хонадон истиқомат қилади, - дейди қасаба уюшма кўмитаси раиси Умар Олимов. - Уларнинг ижтимоий муҳофазасига эътибор қаратиб келаямиз. Кам таъминланган оилаларға 450 минг сўмлик моддий

новларига дуч келган. Бир йўла ҳам ота ҳам онадан айрилиб ёлғизланиб қолибди. Ҳўжалик ахли бир ёқадан бош чиқариб Илҳомнинг никоҳ тўйини ўтказишға кўмаклашганлигини эшитиб севиндик.

Марказий таъмирлаш ус-таҳонасида Бирлашма таъки бошқаруви раиси Анвар Зайриевға дуч келдик. У пахта териш машиналарини қўздан кечираётган экан.

«Пул отлар» бизнинг суянчимиз, - дейди Анвар ака. - Ҳосил тақдирини шулар ҳал этади.

Устахонада механизатор ва чилангарлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уч маҳал иссиқ овқат берилмоқда. Сўт-қатиқ сероб, дам олиш, ювиниш хоналари бор. Ойлик маош, муқофот пули ўз вақтида бериб келинмоқда. Ҳўжалик ҳисобидида 72 та техника бор. Уни ас-

## ДЕҲҚОН ҚАДДИНИ РОСТАДИ

мадад кўрсатилди. Ундан ошдиқ меҳнат ногиронларига республикамизнинг турли сийаҳтоҳларидан ўз саломатликларини тиклаш имкони яратилди.

Умар ака бизни ҳўжалик марказида бунёд этилаётган бозор сари бошлади. Бу ерда иш қизган. Марказий майдонда маийши хизмат шохобчалари мажмуи пойдевори қўйилибди. 350 ўқувчиға мулкаланган коллеж қурилиши ҳам иш бир зум тинмайди. Бизни Илҳом Халиков деган йиғит билан таништиришди. Шу ҳўжаликда улғайган йиғит тақдир си-

**Н.ШАМСИЕВ,**  
«Ишонч» муҳбири.

1999 йил — Аёллар йили

Биз ҳаётимиз гулларнинг жамиятда тутган ўрни, яратувчилик қудратини, ақл заковатини ва маънавиятини янада теранроқ англаб етмоқдамиз.

Биобарин, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, хотин-қизлар ўз қадриятини янада чуқурроқ ҳис этиши, ўзининг бой маънавий дунёсини, меҳрибонлик қудратини намойиш қилиши, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, кундалик турмушимизда муносиб ўринни эгаллаб олишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда «Аёллар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш» Давлат Дастури амалга оширилмоқда. Бугунги кунда хотин-қизларнинг жамиятдаги, оиладаги ўрни тубдан ўзгармоқда, уларнинг меҳнат қилишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Ҳозир қаерга борманг, меҳнаткаш, тадбиркор аёлларни кўрасиз. Улар фақат тадбиркор эмас, балки маънавиятимизни юқори босқичга кўтаришда, янги муносабатларни шакллантиришда, ҳозирги замон кишисини тарбиялашда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Биз ана шундай тадбиркор аёлларимиздан бири «Матлубот тараққиёти» инвестицияси бўйича Ассоциацияси бош директори Шоира Жабборова билан учрашдик.

Шоирахон, Сизга ўхшаган тадбиркор аёлларимиз кўпаяётганлигидан хурсанд-

миз. Айтингчи, «Матлубот тараққиёти» ассоциациясини ташкил этиш, ишларини йўлга қўйиш қандай кечди?

ОИЛА НУРИ

Осон бўлмади, инвестиция биз учун янги соҳа, билмаганларимизни ўргандик, барча имкониятларни ишга солдик. «Ўзбекбирлашув» акционерлик компанияси мутасаддилари, тизимимиздаги раҳбарлар, акционерлик жамиятлари раислари, вилоят бошқаруви раислари яқиндан кўмак берди.

Ассоциацияни ташкил этиш мақсадлари ҳусусида тўхталсангиз?

«Ўзбекбирлашув» тизимида ушбу ассоциацияни тузишдан кўзланган мақсад - хорижий инвесторларни излаб топиш ва улар ёрдамида қўшма корхоналар тузиш, мамлакатимиз ва хорижий корхоналар, ташкилотлар, улгурчи товар етказиб берувчилар ўртасида бевосита алоқа ўрнатил, ички бозоримизни халқ истеъмоли товарлари билан тўлдирish ва шу йўлда шартномалар тузиб, воситачилик ёрдами кўрсатиш.

Осон бўлмади, инвестиция биз учун янги соҳа, билмаганларимизни ўргандик, барча имкониятларни ишга солдик. «Ўзбекбирлашув» акционерлик компанияси мутасаддилари, тизимимиздаги раҳбарлар, акционерлик жамиятлари раислари, вилоят бошқаруви раислари яқиндан кўмак берди.

тиш. Албатта булар қисқа муддатда бажариладиган ишлар эмас. Биз давлат қаролати билан Фарғонада «Паррандачилик комплекси» ташкил этиямиз, 85 фойз сармоа хорижийки, қолгани бизники, бу ерда ҳамма жараён тугалланган бўлади, у ерда 14 хил маҳ-

сулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг бир қисми экспорт қилинади. Халқимизни баҳоли қудрат парранда маҳсулотлари билан таъминлаймиз.

Ассоциациянинг фаолият доираси ҳусусида гапириб беринг.

Ҳозир ассоциациямизда Фаррух Азизов, Гулнора Мирсоатова, Баҳодир Раҳимов, Камолитдин Нуритдинов каби ёшлар меҳнат қилишяпти. Ёшларни хорижга юбориб, тажриба алмаштириш, уларни ўқитиш каби тадбирлар лойиҳамизга киритилган. Ўзим айрим ривожланган хорижий давлатларда бўлдим. Энди уларнинг тажрибасини ўзимизда кенг жорий этиш ниятидамиз. Асосий йўналишимиз кишлоқ аҳолиси таъминотини яхшилаш, у ерларда иш жойи ташкил этишдан иборат.

Она сифатида, болалар тарбиясига вақт топиш қийин бўлса керак... Хар бир аёл у қарда

ишласин, аввало, оила бекаси, болаларига она эканлигини унутмаслиги керак. Минг шукурлар бўлсинки, оилалар тинч-анаман. Турмуш ўртоғим иқтидорли олим, менинг энг яқин маслаҳатгўйим. Агар эркак оиланинг асоси бўлса, аёл унинг нури ҳисобланади. Аёл доно бўлса оиланда тушунмовчилик, кўнгилсизлик бўлмайди. Яхши хотин - унинг гули. Аёл зоти майда зарарлардан яратилган дейишди, у кўп нарсани яхши билади, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиш маҳорати эга. Аёллардаги назокат ва мурувват эркакларга ҳамма қанот бағишлаб қолган.

Баъзилар аёллар фақат тарбия билан шугулланса kifoya қилади, дейишяпти...

Бу нотўғри тушунча. Аёл асосий тарбиячи, агар тарбиячи билимли, доно ва ҳар жиҳатдан мукамал бўлса, билинги, бу сифатлар болада ўз аксини топади. Акс ҳолда бола тарбияни кўчада олади. Кўча тарбияси ҳар доим яхши бўлавермайди.

Режалар улкан: имкон бўлса меваларни қайта ишлайдиган консерва корхонаси қуриш. Ҳозир Швейцария, Венгрия, Италия ва бошқа давлатлар сармоядорлари билан ўзаро мулоқотлар олиб бормоқдамиз.

Сўхбатдош: Содик МҮМИНОВ.

OLAMDA NIMA GAP

СИДНЕЙ. БМТ Шарқий Тиморга халқаро тинчликни сақлаш кучларининг янги гуруҳини киритишни режалаштирмоқда. Улар декабр ойи охиригача жўнатилади. Мазкур гуруҳ ҳозирда Австралия раҳбарлигида ўлкада фаолият кўрсатаётган кўпмиллатли ИНТЕРФЕТ ҳарбий кучлари ўрнини эгаллайди. Австралия ташқи ишлар вазири Александер Даунернинг маълум қилишича, янги ҳарбий гуруҳнинг сони тўққиз минг нафарга етади.

ИНТЕРФЕТ кучлари Шарқий Тиморга ўтган ойда киритилган эди. Айни пайтда ўлкада 4,6 минг нафар ҳарбий тинчликни сақлаш тадбирларида иштирок этаётди. Уларнинг 3,5 минг нафари австралиялик ҳарбийлардир.

БМТ Бош қотиби Кофи Аннанинг баёнотида қараганда, Шарқий Тиморга киритилган янги ҳарбий кучлар уч йил фаолият кўрсатади. Жангавор кучлардан ташқари у ерда 200 ҳарбий кузатувчи ва 1,6 миңдан ортиқ полиция маҳкамаси вакиллари ҳам киритилиши кўзда тутилган.

ПАРИЖ. 18-22 октябр кунлари ЮНЕСКО ижроия кенгаши яширин овоз бериш йўли билан мазкур халқаро ташкилотнинг янги раҳбарини сайлайди. Шу муносабат билан ўтган кун бош директориликка 11 кишининг номзоди эълон қилинди.

Номзодларнинг кўпчилиги ривожланган мамлакатлар ҳамда Марказий ва Шарқий Европа давлатлари вакиллари. Сайловда ғолиб чиққан номзод ЮНЕСКО сессиясида Бош қотиблик лавозимига тасдиқланади. Ташкилотнинг айна пайтдаги раҳбари Федерико Майорнинг ваколати 14 ноябрда тугайди.

Интерпол билан ЮНЕСКО ташкилотлари бебаҳо санъат асарларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасида ҳамкорлик қилишга келишиб олди. Эндиликда икки ташкилот нафақат бебаҳо санъат асарлари савдоси, балки замонавий техника, жумладан, компьютер ва Интернет тармоғи ёрдамида амалга ошириладиган жиноятларга қарши ҳам биргаликда кураш олиб боради. Интерпол маълумотида қараганда, ўтган йил ойда ўн миңдан ортиқ санъат асари ўғирланган.

(ЎЗА)



Флорида

ЧОРВАДОРЛАРГА ТУҲФА

«Қорақалпоқматлубот» ҳиссадорлик жамияти Бўзатов туманидаги бўлини маси ҳодимлари марказдан олисдаги яйловларда меҳнат қилаётган «Аспонтон», «Қорақалпоқ» хўжалиқлари чорвадорларига кўчма савдо хизматини йўлга қўйди. Дастлабки ҳафтадаёқ 10 миллион сўмликдан зиёд кўндалик эҳтиёж моллари етказиб берилди. Ой давомида чорвадорларга 50 миллион сўмлик шундай маҳсулот етказиб бериш мўлжалланмоқда.

МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ

КИЛИНМОҚДА

Олтириқ пахта қайта ишлаш акционерлик жамияти янги ҳосилдан 1500 тоннадан кўпроқ сифатли тола олди. Маҳсулотнинг дастлабки туркумлари Буюк Британия, Швеция, Россия ва Украинага жўнатилади. Бу йил жамият пахта тазолавлари туман хўжалиқларида етиштирилган 30 миң 300 тоннадан зиёд ҳосилни қайта ишлаб, қарийб 10 миң тонна қимматбаҳо саноат хомашёси тайёрлашга аҳд қилишган.

Тахририятга келин ва қайнонадан изтироб ила ёзилган мактуб келди. Қисқача мазмуни:

1997 йил март ойида бир гуруҳа ўқитувчилар собик мактаб директори оғанимиз Халима Мустафоева устидан шикоят ёзган эдик. Ушбу шикоят юзасидан туман прокуратураси у кишининг устидан жиноий иш қўзғатди. Жиноят ишини ёптириш ҳамда аризаларни тинчлантириш мақсадида оғанимиз 75 ёшли онамизни алдаб ишга солди ва турмуш ўртоғим - участка ноизи Баҳрин Мустафоев устидан тухмат ариза уюштириб Навоий вилоят ички ишлар бўлимига юборди. Онамиз Себар Мустафоевнинг тухмат аризаси бўйича ички ишлар бошқармасидан милиция полковниги Пўлат Ботиралиев бошчилигида гуруҳ келиб турмуш ўртоғимнинг устидан хизмат текшируви ўтказди. Бу барчани хайратга солган текшириш бўлди. Опасининг устидан тергов ишлари кетаётган бир пайтда турмуш ўртоғимни мажбурлан бир ҳафта ичида нафақага чиқариб юборишди. Пўлат Ботиралиев хизмат текширувини паллартириш ўтказди. Қўни-қўшни, маҳалла оқсоқолларининг фикри эшитилмади. Ваҳоланки, шунча йил ўз ўғлидан шикоят қилмаган она нега айни кишининг устидан жиноий иш қўзғатилиб тергов кетаётган бир пайтда шикоят хати ёзган. Она: «Шундай қилсан, кишининг ишини ўғлим тинчлатади» деб қалта ўйлаган. У бу ишдан ҳозир каттиқ пушаймонда. Икки ярим йилдан бери ундан чиқа олмай, кўпга қўшилмай қолган.

Турмуш ўртоғим (Ўзим Гулсара Холбекова ҳам) ҳақ эканлигига ишониб, ханузгача нафақага ҳужжатларини расмийлаштирган эмас. Ҳеч қардан маош олмайди. Олти нафар ёш фарзандларим бор. Оиламиз икки ярим йил давомида ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қийналиб кетди.

Энди онанинг армонли сўзларига эътибор қилинг: «1997 йилда ҳақиқатдан ҳам юқорида кўрсатилган воқеалар содир бўлди. Мени алдаб, кўрқитиб, қизим Мустафоева Халиманнинг устидан ёзилган аризаларни «ўғлинг Мустафоев Баҳрин тинчлитиш мумкин» дейишди. Мен ўғлим Баҳринга: «Опангнинг устидан ёзилган шикоятларни тинчти, опанг қамалиб кетса, сен ҳам ишламайсан», дедим аччиқ устидан. Участка ноизи бўлиб ишлаётган Баҳрин: «Онажон, мен прокуратурага ишга аризалаш олмайман» деди. Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Оқмирзаев номига ёзилган шикоят хатим шунинг таъсирида ёзилди. Тўғрироғи, хатни менга айта ёздирди. Мен ўғлимга йўқ ердаги гаплар билан тухмат қилдим...»

Она ва келин хати йўлга қорлади. Уларда кўрсатилишича, «Б.Мустафоев ички ишлар идоралари хизматидан асосли равишда бўшатилганлиги сабабли уни қайта хизматга олиш мақсада мувофиқ эмас» деб тақор-тақор маълум қилинган. Шундай бўлгач, журналист текшируви ўтказишдан маъно бормикин? Бирок, дастлабки таассурот ўткинчи бўлиб чиқди. Айниқса, Қизилча фуқаролар йиғини фахрийлар кенгаши раиси Марди Бойжанов, хотин-қизлар кенгаши раиси Жумагул Бобоқулова, ўқитувчи Хурमतой Ражабова, милиция майори Эшқувват Уролов, туман ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлини маси бошлиғи Тошнар Жанев ва бошқаларнинг текшириш бир ёқлама олиб борилгани, Баҳрин Мустафоевнинг қандай бўлма-син қоралаш йўли тутилгани ҳақидаги мулоҳазалари масалани анча ойдинлаштириб берди. Навоий вилоят прокуратураси томонидан фуқаро Гулсара Холбекованинг Республика Бош прокурори номига ёзган ариза-си юзасидан ўтказилган текширишда ҳам бу ўз таъсирини толган экан. Республика прокуратурасига берилган жавобда жумладан шундай дейилган: «Қизилча» жамоа хўжалиги аҳолиси ва Нурота туман ички ишлар бўлими шахсий таркиби билан бўлган сўхбатдан Баҳрин Мустафоевнинг оиласида сурункали равишда жанжал бўлмаганлиги, хотини ва фарзандлари билан аҳил яшашлиги, ички ишлар бўлимида ишлаган даврида ўзига биржитилган топшириқ ва вазифаларни сидқидилдан бажариб келганлиги, жамоа орасида хурматга сазовор бўлганлиги, жиноятларни олдини олиш ва фож этишда актив иштирок этганлиги, унинг ишдан бўшатилишига опаси Халима Мустафоева ва онаси Себар Мустафоевнинг ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига ёзган аризаси сабаб бўлганлиги аниқланди». Вилоят прокурори ўринбосари,

адлия катта маслаҳатчиси Б.Р.Эргашев томонидан вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги П.Х.Ботиралиев номига шу йилнинг 1 мартида ёзилган хатда «ушбу материалларни 1997 йил март ойида Нурота тумани ИИБ участка ноизи Б.Мустафоевга нисбатан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қонуний ҳал қилиш» сўралган. Хўш, туппа-тузук ишлаб турган ходимни бирдан вазифасидан четлатишга сабаб бўлган опаси ва онасининг хатидаги важлар нималардан иборат экан?

Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Пўлат Ботиралиев бошчилигида ўтказилган хизмат текшируви хулосасида шундай акс эттирилибди: «Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 1993 йилдаги 446-сонли буйруғи талабларини қўпол равишда бузганлиги, йўл қўйган хато ва камчиликлари бир неча бор текширилиб, унга нисбатан ўз вақтида етарли баҳо берилмаганлиги оқибатида ички ишлар идоралари ходимлари шаънига бутунлай тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатларни қилиб, узоқ йиллардан буён давом этаётган оилавий жанжални тинч йўл билан бартараф этмай, ўз онаси ва опа-укаларини унинг устидан шикоят қилишига йўл қўйганлиги ҳамда хизмат фаолиятида фуқароларга қўпол муомалада бўлиб, уларни уриб тан жароҳати етказиб ариза-шикоятларни кўпайишига сабабчи бўлганлиги учун Нурота тумани ИИБ

йиғилиши 9-баёни эътиборимизни тортди. Унда Навоий вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги П.Х.Ботиралиев шахсий таркибга «Қизилча» жамоа хўжалигида яшовчи Мустафоева Себар ва унинг оиласидagi етти нафар фарзанди томонидан ёзилган ариза юзасидан ўтказилган хизмат текшируви хулосаси ҳақида ахборот берган экан. Кун тартибидagi масала юзасидан туман ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция полковниги Ф.Б.Бердиев, ЖООБ бошлиғи, милиция майори Д.Қурбонов, ЖКБ бошлиғи, милиция майори Б.Тўхтаев, участка ноизи, милиция майори А.Ҳақимов, катта терговчи, милиция майори А.Азимов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Йиғилиш раиси П.Х.Ботиралиев, йиғилиш қотиби Ф.О.Жўрабеков деб имзо чекишган. Ҳам хизмат текширувида етакчи бўлиш, ҳам шаҳодат ҳайъати йиғилишига раислик қилиш Ботиралиев чекига хизмат вазифаси тақозоси билан тушган шекилли. Лекин худди шу масала юзасидан Нурота туман ИИБ умумий йиғилишига ҳам раислик қилиши шартмикин? Очиги, бу бироз таажжубимизни оширди. Натижанда йиғилиш баёни таажжуб ўрганиш мақсадида Нуротага бориб, шахсий таркиб билан сўхбатлашишга тўғри келди. Баён матни уларни ҳам унча-мунча хайратга солмади. Нега дейсизми?

Куйидгиларга эътибор қилинг. Туман ИИБ ҳисобга

АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

катта участка вакили, милиция майори Мустафоев Баҳрин Мустафоевичи ички ишлар идораларида қўлишқолмаслик масаласи вилоят ИИБ шаҳодат ҳайъатида кўриб чиқилсин.

Шундай қилиб, Баҳрин Мустафоев ички ишлар идораларида хизматни ўташ муваққат Низомининг 67-модда «Д» бандига асосан хизматга ҳолийқ деб топилиб, ички ишлар идораларида четлаштирилган ва 1997 йил 31 мартдан пенсияга чиқарилган. Нурота тумани ИИБ участка вакили милиция майори Абдуҳалил Ҳақимовнинг ёзишича, милиция полковниги Ф.Бердиевни туман ички ишлар бўлимига вақтинчалик бошлаб қилиб тайинлаган кўни П.Ботиралиев Баҳрин Мустафоевни шу кундан кундузи соат 15.00 га ички ишлар бошқармасига бориб шаҳодатдан ўтишини айтган. Кейинги ҳолатни Б.Мустафоев шундай эслайди: «Аризама, хизмат текшируви ҳамда шаҳодат ҳайъатининг хулосаси билан таништирилмасдан мажбурлаб хизмат гувоҳномамни тортди олди ва «сен бугундан ишдан бўйсан» деб хизмат хонасидан мени ҳайдаб чиқарди».

Бутун кишлоқ аҳли номидан юқори ташкилотларга Баҳрин Мустафоевни ҳимоя қилиб хат ёзган Тоғайбек Очлов: «Опаси бу йиғитнинг ишдан кетишига сабабчи бўлди. Халима Мустафоева фидоконий хатти-ҳаракатлари билан ўз хурматини йўқотган эди. Унинг устидан биз ёздик, биз мактабни тафтиш қилдик. Баҳриннинг эл ўртасида обрўси катта эди. Опаси шундан фойдаланмоқчи бўлди. Баҳрин бунга унамдади», дейди.

Майли, Баҳрин Мустафоев ахлоқан пок, ҳалол, таърибали милиция ходими экани, ҳатто ишдан кетгандан сўнг ҳам ўша оғир жиноятни очгани ҳақида маҳалла оқсоқоли Аҳад Отақулов, хотин-қизлар кенгаши раиси Жумагул Бобоқулова, туман ИИБ ходимлари Бахтиёр Тўхтаев, Эгамкул Усмонов, Ибрагим Ҳақбердиев, Тошнар Жанев, Нурулло Элибоев ва бошқа ўнлаб кишиларнинг гапи ёлғи бўлсин. Суриштирув жараёнида биз сўхбатлашган етти киши - Ҳаким Акрамов, Жўракул Аҳмедов, Омонкул Алиқулов, Хасан Абдусатторов, ака-ука Баҳрин ва Нажмиддин Мустафоевлар Пўлат Ботиралиев гуруҳи томонидан тайёрланган бирон-бир ҳужжатга, шу жумладан, йиғилиш баёнига қўл қўймаганини, деб кўрсатма беришди. Агар улар ҳақ бўлса, йиғилиш баёнидаги имзолар атайлаб қалбақлаштирилган бўлиб чиқди. Бу кимга ва нима учун керак бўлди экан? Қилин қил ёрадиган ҳуқуқшунослар бу жумбоқнинг тағига етишди, албатта.

Жилддаги яна бир - Нурота туман ИИБнинг умумий

олиш ва статистика ишлари гуруҳи маълумотида қараганда, 1997 йил 21 апрел кунги туман ИИБ умумий йиғилиши баёни «9» деб рақамланган ҳамда унда ИИБ бошлиғи вазифасини бажарувчи Ф.Бердиев раислигида тўртта масала муҳокама этилган. Лекин уларнинг биронтаси ҳам Баҳрин Мустафоевга алоқадор эмас.

Вилоят ИИБдан милиция полковниги Пўлат Ботиралиев хизмат текшируви ўтказган. Лекин Нурота туман ИИБ ходимлари ўртасида Мустафоевни муҳокама қилдик, деб сохта йиғилиш қарори қилиб кетишган бўлса керак. - дейди гуруҳ кичик ноизи, милиция старшинаси Фахриддин Жўрабеков. - Чунки, туман ИИБдаги қарорларнинг йиғма жилдиди Мустафоев масаласи кўрилган эмас. Туман ИИБда ўтказилган ҳар бир йиғилиш баённомасининг бир нусхаси йиғма жилдга тикилиб, қолган нусхаси вилоят ИИБга юборилади.

Иккинчидан, баёнда сўзга чиқди дейилган туман ички ишлар бўлими ЖКБ тезкор вакили (собик ЖООБ бошлиғи), милиция майори Давлат Қурбонов, ички ишлар бўлими (собик ЖКБ) бошлиғи, милиция майори Барот Тўхтаев, туман ИИБнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўлими ўринбосари (собик терговчи), милиция майори Акмал Азимов, участка ноизи, милиция майори Абдуҳалил Ҳақимовлар Мустафоев масаласи муҳокамада катнашмишган экан. Улар мазкур қарорга ўз муносабатларини жумладан шундай баён қилишди:

Давлат Қурбонов: «Вилоят ички ишлар бошқармасидан, милиция полковниги Ботиралиев Нурота туман ИИБга келиб хизмат текшируви ўтказган. Лекин ИИБ ходимлари орасида Мустафоевнинг хатти-ҳаракати муҳокама қилинган эмас. 1997 йил 26 мартда Нурота тумани ИИБда йиғилиш бўлмаган ва бу йиғилишда мен сўзга чиқмаганман».

Абдуҳалил Ҳақимов: «ИИБ ходимлари орасида Мустафоевни муҳокама қилдик деб сохта йиғилиш қарори қилиб кетишган. Мен йиғилишда сўзга чиққан эмасман». Б.Тўхтаев, А.Азимовлар фикри ҳам шундай.

Нурота туман ИИБ ҳисобга олиш ва статистика ишлари гуруҳи кичик ноизи, милиция старшинаси Фахриддин Жўрабеков: «Мен 9-сонли 1997 йил 26 мартдаги Ботиралиев раислик қилган Нурота туман ИИБда ўтказилган йиғилишга қотиб бўлмаганман, имзо ҳам меники эмас, агар мени ёзган баённомам бўлганида бир нусхаси йиғма жилдда бўлиши керак эди», - деди қатъий.

П.Ботиралиев йиғилишда берган ахборотида «ариза тўлиғича ва атрофлиқа текширилиб, ундаги кўрсатил-

ган важлар ўз тасдиғини топганлигини маълум қилган. Хўш, шикоят-аризадаги қандай «важлар» ўз тасдиғини топди? Яхшиси, мулоҳазани ахборот матни билан тўлиқ танишишдан бошлайлик: «Себар Мустафоевнинг тўнғич ўғли, шу хўжаликда участка вакили бўлиб ишловчи Баҳрин Мустафоев ўз онасига, опаси ва укасига ҳурматсизлик қилиб, йиғирма йилдан бери онасининг аҳволидан хабар олмай, опа-укаларининг тўй-маъракаларида катнашмай, уларни оёқ ости қилаётганлигини, одамларни атайлаб тезлаб, опаси 22-сонли мактаб директори бўлиб ишловчи Халима Мустафоевни устидан тухмат аризалар ташкил қилиб, Нурота туман прокуратурасига юбортириб, жиноий иш қўзғатганлигини, марҳум отасидан қолган «Жигули» автомашинасини 1983 йилда онасидан тортиб олиб сотиб юборганини, аммо 14 йилдан бери машинанинг пулини бермай келаётганини, 1-бўлим бош чўпони Мардон Ялғошев ва қоровул бўлиб ишловчи Тўхмоннов Сафарларни уриб тан жароҳати етказиб, улар бир ой даволаниб чиқса ҳам Баҳрин Мустафоев пули қўлпўлигидан омон қолганлигини, 3-бўлим бош чўпони Ороловдан қўзғилишти мавсумида қўрқитиб, тўрт дона терини олиб кетганлиги ва «Қизилча» жамоа хўжалиги халқининг манфаатларини оёқ ости қилаётганлиги учун чора қўришни сўраганлар» - дейилади. Бунга ахборотда келтирилмаган телестанция вишкаси ўғирлангани, қишлоқда мол ўғирлиги фактлари Мутафоев томонидан «яшириб келинган» лигини қўшимча қилиш мумкин. Баҳрин Мустафоевнинг йиғирма йилдан бери онасининг аҳволидан хабар олмай, опа-укаларининг тўй-маъракаларига катнашмай, машина пулини 14 йилдан бери бермай келаётганини гирт ёлғон бўлиб чиқди. Отаси, уруш катнашчиси Беркин Мустафоевнинг номи 1-фермага қўйиб абадийлаштириш тўйи видео тасмаси лавҳалари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Баҳрин Мустафоев бош бўлган, опа-укалар иштирок этган, Эл-юрт кўз ўнгида бўлган тантананада она давра тўрида бўлган. Аслида онанинг ўзи: «Мен ўғлимга тухмат қилдим», - деб йиллаб, пушаймонлар қилаётган, воқеа-ҳодисани муҳбир текширувчидан яхшироқ билган кишлоқ аҳли: «адолатсизлик бўлди», - деб бонг урган бир пайтда бунга энди қандай шубҳа бўлиши мумкин?

1-бўлим бош чўпони Мардон Ялғошев, қоровул Сафар Тўхмоновларни уриб тан жароҳати етказганлиги факти ўз вақтида уларнинг аризаси асосида прокуратура томонидан текширилиб, асосида деб топилиб рад этилган экан. Жилддан Мардон Ялғошевнинг акаси Раҳмон Ялғошевнинг хати, Нурота туман тиббий экспертизаси хулосаси ўрин олгану, жабрланувчи Мардон Ялғошевнинг хати, вилоят прокуратураси, вилоят тиббий экспертизаси хулосалари билан негадир қизиқтирилган. Майли, булар ўз исботини топмагани учун шундай қилинган. Унда Қувондиқ Ороловдан тўрт дона терини «қўрқитиб, дук уриб» олиб кетиши факти ҳам исботланмаган-ку. Оролов ўз тушунтириш хатида бу гап тухмат эканини баён қилган. Телевишқани ўғри эмас, чақмоқ урганини Баҳрин Мустафоев асослаб берган. Бунга соҳа мутахассиси Эшқул Раҳимов ҳам тушунтириш хатида қайта этган.

Текширишда муқаддам содир этилган деб 1997 йил 20 март кунги ҳисобга қўйилган икки иш - мол йўқолганлиги фактлари ҳам ўз тасдиғини топмади. Фермер Норчабой Содиков ва туман ИИБ бошлиғи Барот Тўхтаевлар ўз билдириш хатларида қўнкор ва сизир йўқолганлиги юзасидан на участка ноизига, на ИИБга оғзаки ёки ёзма мурожаат бўлмаганини билдиришган.

Юқорида биз батафсил тўхталиб ўтган «айб»лари учун Баҳрин Мустафоев жон-дилдан севган касбидан четлаштирилди. Тўғрироғи, опаси устидан ёзилган шикоят хатларини тинчитмагани, хизмат мавқени суиестеъмолик қилмагани, виждонга қарши бормгани унинг бутун фожеасининг, адолат истаб идора-идора икки ярим йиллик сарсон-саргардон юришининг асоси бўлди.

Биз мақолада кўпроқ ҳужжатларга, воқеа иштирокчилари - ҳолислар фикрига таяндик. Ким ҳақ, ким ноҳақ экани мутасаддилар эътиборига ҳавола. Зеро, ҳалол хизматлари учун биринчилардан бўлиб «Мустақиллик» медали билан тақдирланган ходим тақдирига адолатли ёндошилса, адолатдан бўларди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Курашнинг жаҳон майдонига йўл олганига кўп бўлгани йўқ. Шундай бўлса-да, мамлакатимизда яқиндагина тўзилган Кураш Миллий Федерацияси катта ишларни амалга оширди. Шу йилнинг 1-2 май кунлари пойтахтнинг «ЖАР» спорт мажмуида ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатида 50 га яқин давлатлардан полвонларнинг ташриф буюриши бунинг яққол исботидир. Кураш тарихи, бугуни ва истиқболлини оммага кенг тарғиб қилиш мақсадида Федерация журналистлар ва барча фуқаролар ўртасида «Ўзбек кураши - Олимпия сари» мавзусида танлов эълон қилди. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Кураш Миллий Федерацияси Бош қотиби Алишер Эшонкулов билан суҳбати ана шу танлов хусусида.

## ОЛИМПИЯ САРИ ТАШЛАНГАН ҚАДАМ

— Федерация Комил Юсупов, Жўракул Турсунов каби бир гуруҳ ташаббускор, фидойи инсонларнинг сай-ҳаракати билан ташкил қилинди, - дейди Бош қотиб гапни узоқдан бошлаб. - Кураш Миллий Федерациясига ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Божхона кўмитаси раиси Уткир Комилов раҳбарлик қилмоқда. Федерациянинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро «Кураш» Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони билан сўнг янада

жонланди. Ҳозирда Федерациянинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда бўлимлари мавжуд. Шунингдек, туман ва шаҳарларда ҳам Федерация бўлимлари очилмоқда. Миллий Федерациянинг асосий мақсади ўзбек курашини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, иқтидорли полвонлар тайёрлаш, хорижий давлатларга курашни тарғиб этувчи мутахассислар тайёрлаш ва энг асосийи, Ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторидан жой олишига замин яратишдир.

- Танловни эълон қилишдан кўзда тутилган мақсад нима?  
- Албатта, ушбу мақсадларимизни ҳаётга татбиқ этишда турли омиллардан фойдаланмоқдамиз. Яқинда Ўзбекистон Кураш Миллий Федерацияси томонидан «Ўзбек кураши - Олим-

пиши мумкин. Танлов шу йилнинг сентябр ойидан бошланиб 2000 йилнинг 15 августидан якунланади. Танлов голибларини 2000 йил 5 сентябр кунини ўзбек курашининг халқаро спорт тури сифатида тан олинганлигининг икки йиллиги арафасида эълон қиламиз.

телевидениеда намоиш қилинган энг яхши материаллар тўплами учун битта мукофот - 150 минг сўм, газета ва журналларда чиққан энг яхши материаллар тўплами учун битта мукофот - 100 минг сўм, радиода эшитилган энг яхши материаллар тўплами учун битта мукофот - 50 минг сўм ва энг яхши фоторепортажлар тўплами учун битта мукофот - 30 минг сўм қўйилган. Танловга тақдим этиладиган материаллар ҳажми чегараланмайди. Танловда қатнашиш истаги бор фуқароларимизга мунзимизни эслатиб ўтмоқчимиз. Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 70<sup>а</sup> уй. Ўзбекистон Кураш Миллий Федерацияси. Телефон: 41-10-29, факс: 41-20-36.

пия сари» мавзусида аънавий танлов эълон қилинди. Танлов орқали Ўзбек курашининг тарихи тўғрисида илмий асосланган материалларни яратиш, курашнинг бугунги кундаги мавқеи, унинг истиқболдаги масалалари тўғрисида зукко, билимдон халқимиздан маслаҳат олиш, бу орқали ўзимизнинг келгуси стратегик йўлимизни белгилаб олишдир.

Ушбу танлов тўрт йўналишда: телевидение, газета ва журналлар, радио ҳамда фоторепортажлар йўналишида ўтказилади. Фурсатдан фойдаланиб, барча журналистларни, фуқароларимизни ўзбек курашининг кенг ривожланишига ҳисса қўшишга қаратилган «Ўзбек кураши - Олимпия сари» мавзусидаги танловимизга қатнашишларини ва ўзларининг қимматли маслаҳатлари билан бизга яқиндан ёрдам беришларини истаб қолардим.

**Журналистларга тилагингиз.**  
- Журналистларимизга уларнинг машаққатли, лекин шарафли ишларида улкан зафарлар тилайман. Ҳамкорлигимиз самимий ва дўстона бўлишига умид қиламан. Соғлик ва тинчлик сизларни тарқ этмасин.

## ОР УЧУН МАЙДОНГА ТУШАДИ ПОЛВОН

**Полвон аҳли ўта соддадил бўлади. Сирдарёда ном чиқарган Хотам Холбеков ҳам ана шунанга: хайбати шерларга тенглашади, кўнгли эса ниҳолдек нозик. Баъзи-баъзида газаллар ҳам битиб қўяди...**

Хотам полвон билан яқинлигимиз бор. Фазаларини кўп тинлаганмиз. Кунора бир кучок қораламани кўтариб кириб келарди. «Қани шоир, буларнинг бир магзини чақиб қўй», дея қўлимга тутқазарди. Ҳазил-мутойибага ўч, Шарақлаб қулганда томлар зириллаб кетарди. Шундай дилкаш, оқ кўнгли одам...

Хотам полвон кураш тушишни ёшлигидан бошлаган. Талабалик даврида пишиди. Кураш нимагини кўплаганга кўрсатиб қўйди. Иттифоқ биринчилигида қатнашиб голибликни кўлга киритди. Спорт устаси бўлди. Оврупага йўл очилганди. Аммо уни чалиб юборишди. Ўз таъбири билан айтганда, чалганда ҳам гирмон чалди, зангарлар. У майдондан бош эгиб чиқмади. Кучи, усули бор эди. Аммо, тил билмаслиги панд бериб қўйди. Қишлоқда ўсган эмасми, оғалари тилини янтоққа судурди-да. «Ну шўрт ему», деганмиш Москвадаги спорт мутасаддиларидан биттаси. Шу-шу уни ортига қайтаришди. Курашни тарқ этмади-ю, лекин қайтиб команда сафида гиламга тушмади. Тўйларда, байрамларда майин кўмини кўкларга

қўқирмиш. Бу оламшумул «янгилик» аввал туман фирка кўмитаси сарқотиби маърузасида «Фош» этилди. Сўнгра номоз ўқиган коммунист Хотам Холбеков маҳаллий матбуотда «уриб» чиқилди. Ноҳақликдан азият чеки. Полвон эмасми, гурури поймол этилганидан изза бўлди.

- Ҳўжаликда бўлим бошлиғи вазифасида ишлардим, - дея хотирлайди Хотам полвон у кунларни. - Каллаи саҳардан то қора кечгача даладан қўл бўшамасди. Оллоҳ кеңирсин, ўша пайтлари номоз ўқишга вақт қайда дейсиз. Қандайдир бир галамининг иши бу. Тухмад балоси ёмон экан. Ишдан ҳам қувишди. Аммо, эл кимлигини биларди, дея ўзимга таскин бердим.

Спорт устаси Хотам полвоннинг Мирзачўлда ўзлаб шогирдлари бор. Ҳамон кураш дарваларининг тўри уники. Полвон сира тиниб-тинчимайди. Айни чоғда у Мирзобод туман «Дехқонбод» ширкатлар уюшмасининг «Пахтакор» ширкатини бошқариб келмоқда. 400 гектарга яқин майдонда дехқончилик қилишади. Полвон бу йил «улоқни маррага ташлаш»га аҳд қилган. У ўз сўзидан сира қайтган эмас.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.**

### Ўқинг, қизиқ!

#### КЎП КИТОБ ЁЗГАН КИМ?

Китобни «дунёга олиб келиш», айниқса бадий асар ёзиш осон эмас. Шундай бўлса ҳам бу соҳага умрини бахшида этиб, баракали меҳнат қилганлар кўп. Авваллари биз ЖЮЛЬ ВЕРНИИ, Жорж Сименонни энг кўп китоб ёзган қаламкашлар деб билар эдик. Гиннесс китоби бизнинг бу фикримизни рад этиб, инглиз ёзувчиси Барбара Картленднинг китоб ёзишда қўлга киритган ютуқларидан хабар бермоқда. У нашр эттирган 681 роман оламга 650 миллиондан ошмиқ нусха билан тарқалибди. У бир йилда 19 роман ёзибди... Аксарият асарлари фақат муҳаббат ҳақида экан. Картленд ҳозир 96 ёшда. Ҳозир ҳам аввалгидай кўп роман ёзма-са ҳам, қаламининг сиёҳи қуримасдан, яна бир янги роман ёзиб ётган эмиш.

#### ЭГИЗАКЛАР БИР-БИРИНИ «ЭРКАЛАЙДИ»

Эгизаклар ўртасидаги кўзга қўринмас алоқалар қадимдан, ўрта асрдаёқ маълум бўлган. Ҳозир уни бикуват-ахборот алоқаси дейишмоқда. Бу соҳада «Крамс эгизакларининг воқеаси» кўпроқ текширилди. Бир шаҳарда Джимми ҳамда Джонни Кромс деган эгизаклар бор экан. Улар бир пайтда касалланган экан. Агар улардан бири тентаклигидан калтак еса, иккинчиси ҳам қаерда бўлишидан қатъи назар йиғлар экан. Бундай хайрон қоларли ҳодисани врачлар ҳам ҳар қанча текширшмасин, ҳозиргача бирор жўяли фикрни билдира олишмаяпти.

Ўзбекистон энгил, мебель санвати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси Тошкент шаҳар тармоқ касба уюшма кўмитаси ташкилий ишлар бўлими мудири Крафт Ксения Георгиевнага онаси **Ригина ИВАНОВНА**нинг вафот этганилиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



**Эътироф**  
**Франс Хугендайк:** Ўзбекистонлик спорт усталари айтганидек, кураш спортининг бетакрор ўзига хос турларидан бири эканлиги Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказилган мусобақада аён бўлди. Ишонч билан айтаман. Яқин кунларда Олимпия ўйинлари қаторидан янги спорт тури бўлиб мустаҳкам жой олади. Шахсан мен курашни «XXI аср спорти» дея баралла айта оламан. Кураш менга жуда ёқди. Унда мардонаворлик, ҳурлилик мавжуд. Ўзга юрт полвонлари бунинг англаб етишса борми, фақат ўзбекча кураш тушгиси келиб қолади.

**Геннадий Калеткин:** Кураш келажак спорти. Президент Исом Каримовнинг эътибори унинг обрўсини янада оширди. 120 га яқин давлатлар қўллаб-қувватлашига ишонаман.  
**Тони Луме, Эстония «дзюдо» Федерацияси Президенти.** Мазкур кураш мусобақаси мени ўта ҳайратлантирадиган даражада ўзига жалб қилди. Полвонларнинг бел олишлари, майдондаги ҳаракатлари дунёда бундай спорт тури йўқ эканлигини дунёда бундай бе-ради. Жаҳон спорт мажмуида унинг имкониятлари беқийсизлигига ишондим.

**Алломиш достонидан:** Алломиш ва Кўкалдош майдонда узоқ вақт тенгма-тенг олишади. Курашни ўз канизлари билан кузатиб турган Барчин Алломишга шундай дейди: Йиқолмасанг, тўрам навбат тилайин, Эркак либосини ўзим кияйин. Бор кучимни билагимга жияйин, Бу қалмоқни пора-пора қилайин... Барчинойга навбат бергин, нетади... Бу сўзлардан шердил бўлиб кетган Алломиш чирпиб Кўкалдошнинг кўкка отади.

## Соғ танда соғлом ақл БАДМИНТОН УСТАСИ

Илм-фаннинг машаққатли йўлида захмат чекканлар ҳақида гап кетганда «Игна билан қудуқ қазувчилар» иборасини ишлатишади. Буни фан оламини пиёда кезган изланувчи кишигина яхши тасаввур этиши мумкин. Гарчанд олтмиш баҳорни қаршилаган бўлса-да, ҳали-вери кексаликни бўйнига олмайдиган, кўринишдан тетик, серзавқ, бир сўзли Мирсаид Орипов ҳам тақдир тақозоси билан ўнлаб хорижий ва ҳамдўстлик мамлакатларида бўлиб, ўзбек, Ўзбекистон фани обрўсини оширишга ҳисса қўшди. Жумладан, у Берлиндаги умумжаҳон математиклар конгрессида, Дрезден, Лейпциг, Мелиокки, Медисон, Марсел, Мец, Ухан сингари шаҳарларда илмий маърузалар билан иштирок этди. Салоҳиятли олим айтиб қолган раҳбарлик қилаётган ТошДУнинг «Информатика ва татбиқий дастурлаш» кафедраси шахсан унинг ташаббуси билан ташкил этилган. Шунингдек, Тошкент Давлат юридик институти қошида фаолият кўрсатаётган «Информатика» кафедраси ҳам халқаро мавқега эгалиги билан эътиборга лойиқдир. Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими М.Орипов бутун илмий фаолиятини касба уюшмаларисиз, спортсиз тасаввур этол-

майди. Биринчиси, ТошДУ касба уюшма кўмитаси раиси бўлган пайтлари бу жамоатчилик иши нақадар эзгу, инсонпарварлигини юракдан ҳис қилган эди. Тасаввур қилинг-а, кимнингдир бошига қулфат ёки бир умр эсдан чиқмайдиган хайрли тўй ташвиши тушганда ёхуд бирон бир меҳнат фахрийси касалхонада илҳақ бўлиб ётганда ундан хабар олиш, кўнгил сўрашга нима етсин! Иккинчиси, талабалик йилларидан ҳозиргача машғул бўлган спорт уни фан доктори ҳамда профессорлик унвонларини олишда, 100 дан зиёд илмий, ўқув-услубий ишларни яраттиклари, соғломлик, кўтаринки руҳ бағишлаб турган бўлса ажаб эмас. Математик ва физик олимнинг спортнинг бадминтон тури бўйича танилиши у илмий изланишлар олиб борган ҳудуд - Новосибирск чемпиони бўлган бошланган эди. Эндиликда ўнлаб шогирдлар устози - спорт усталигига номзод, бадминтон бўйича Республика тоифасидаги ҳакам, мамлакат бадминтон федерацияси раиси бўлибгина қолмай, балки ёшларни бу соҳага жалб қилишда ҳам жонбозлик кўрсатаётир.

**Карим НАЗАРОВ, Солиҳон ҲАСАНОВ.**

## Сўраган эдингиз

**Парманчак мевалари хушхўр, татимли неъмат бўлиши билан бирга доривор сифатида ҳам машҳурдир. Парманчакни маҳаллий аҳоли баъзида маймунжон, булдурғун деб юритишса, қозоқлар - жидек, татарча - қора жилек, тожиклар - мармарижак, киргизлар - қурай, туркман ҳамда руслар - малина деб аташади.**

Оддий парманчак табиий ҳолда бутун Оврўпада, Кавказда, Фарбий Сибирда, Ўрта Осиё тоғларида, Қозоғистон, шунингдек Фарбий Хитойда кенг тарқалган. Парманчакнинг 120 дан ортиқ ёввойи ҳолда ўсадиган турлари қайд этилади. Ҳозирда парманчакнинг ўнга яқин янги навлари яратилган бўлиб, улар тансиқ-диссерт, ошхона-боп, техник навларга ажратилади. Халқ табobati амалиётида гуш/экзема/калелиги билан озорланганлар бутун фасл давомида парманчак меваларини истеъмол қилиб туришлари тавсия этилади. Усимлик барглари-дан тайёрланган; дахлама ич кетши, ичак яллиғланиши, ичдан/меъда ва ичакдан/ қон кетиши, ҳайзада бемаврид қон кетишига, айрим тери касалликларига/теридagi тошма, хуснбузарлар ва бошқа/ даво сифатида, муртак безларининг

лади. Агар парманчак меваларини қайнатиб, қайноқ ҳолда ичгач, кўрпага ўралиб ётилса, кишини гирақ-гарақ терлатади. Бу амал шамоллаш билан боғлиқ бўлган ҳарорат кўтарилишида ижобий таъсир кўрсатади. Бундай амалдан фойдаланиш учун майдаланган парманчак барглари ва мевасидан 4 чой қошиқ микдорда олиб, унга

ритиш мумкин. Парманчак меваларининг қоқисидан 2 ҳисса, оққалдиromoқ баргларидан 2 ҳисса, тоғрайхон ўтидан 1 ҳисса қўшилиб яхшилаб аралаштирилади. Ушбу аралашманинг икки ош қошиғи устига икки стакан қайноқ сув қуйиб 20 дақиқа давомида дамлал қўйилади. Сўнгра сузиб олинми қайноқ ҳолида уйку олдида ичилади. Шунингдек, териб олинган парманчак мевалари тозаланган шохча бўлақлари, етилмаган, пишмаган ёки ўта пишми кетган, зараркунанда ҳашоратлар томонидан зарарланган, нуқсонли мевалардан сараланган пана ва покиза жойда қуритилади. Мевалар қўл билан сиқиб қуритилганда ёпишмаслиги лозим. Тайёр мева-қоқиларни қоғоз халтачаларда ҳашорат ва зараркунандалардан холи бўлган жойларда сақланади. Баъзи табдиқор, режали уй бекалари тайёрлаган парманчак мураббоси йилнинг айнаи совуқ палларларида қилиб ичилса, шамоллаш билан боғлиқ хасталикларга эм бўлади. **Маннон НАБИЕВ, дорининос.**

**Газетамизнинг навбатдаги сони 12 октябрда чиқади**

**ISHONCH**  
МУАССИС:  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**  
Таҳрир хайъати:  
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул қотиб-«Ишонч»), Ч.Латилов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиков.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-84-73  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134  
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотулида эркин нархда.  
«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаханаси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.  
Босишга топширилган вақти - 21.00. Тошқирлиди 22.00